



« 19 » апрель 2019 г.

№ 336

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тўғрисидаги  
низомни тасдиқлаш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПК-4143-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “ 19 ” апрелдаги 336-сон қарорига  
илова

## **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ва хисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

2. Вазирлик автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё ва электр транспорти, метрополитен ва йўл ҳўжалигини (кейинги ўринларда транспорт ва йўл ҳўжалиги деб аталади) ривожлантириш борасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда норматив-ҳуқукий тартибга солиш бўйича давлат бошқаруви органи хисобланади.

3. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамаси деб аталади) бўйсунади.

4. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласи.

5. Вазирлик ўз фаолиятини, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

6. Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул килган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий хисобланади.

7. Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Вазирликнинг ташкилий тузилмасига кирадиган ҳудудий тузилмалар ва таркибий ташкилотлар юридик шахс хисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, давлат тилида вазирлик ва ўзининг номи кўрсатилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида шахсий ғазна ҳисобваракларига, банк ҳисобрақамларига, жумладан хорижий валютадаги ҳисобрақамларга эгадир.

8. Вазирликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, қисқартирилгани – Транспорт вазирлиги;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Ministry of Transport of the Republic of Uzbekistan; қисқартирилгани – Ministry of Transport.

в) рус тилида:

тўлиқ номи – Министерство транспорта Республики Узбекистан, қисқартирилгани – Минтранс.

9. Вазирлик жойлашган жой (пошли манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси 3-йй.

## **2-боб. Вазирлик тузилмаси**

10. Вазирлик тизимиға қуйидагилар киради:

марказий аппарат;

Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармалари;

Автомобиль йўллари кўмитаси;

Фуқаро авиацияси агентлиги;

Темир ўйларда юқ ва ўйловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси;

Йўл-курилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси;

“Ўзаронавигация” маркази;

Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази;

Илмий-тадқиқот, ўқув муассасалари ва бошқа ташкилотлар.

## **3-боб. Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг вазифалари ва функциялари**

### **1-§. Вазирлик вазифалари ва функциялари**

11. Вазирлик унга юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита ҳамда унинг тузилмасига кирувчи ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар орқали амалга оширади.

12. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) транспортнинг барча турларини Ўзбекистон Республикаси ягона транспорт тармоғига интеграциялаштириш ва янги самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланиш асосида биргаликда ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат транспорт сиёсатини ишлаб чиқиши;

2) транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабонлигини

таъминлаш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган транспорт соҳасидаги ягона тариф сиёсатини амалга ошириш;

3) халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва чоратадбирларни амалга ошириш, мамлакат транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишдаги сарф-харажатларини камайтириш;

4) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

5) бутун транспорт тизимини рақамлаштириш бўйича илғор ахборот технологияларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси транспорт тизимининг бир-бирига боғланган ягона тизимини истиқболли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

6) автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фойдаланувчилар манфаатини ҳисобга олган ҳолда, автомобиль йўллари, аэродромлар ва аэропортлар, вокзаллар, темир йўллар ва транспорт инфрагузилмасининг бошқа объектларини молиялаштириш, лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва фойдаланиш масалаларининг комплекс ечимини таъминлаш;

7) транспорт соҳасида назоратни амалга ошириш, фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидағи ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисаларни, шунингдек, темир йўл ва дарё транспортидаги авария ва ҳалокатлар бўйича текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

8) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги халқаро ва ҳудудий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобидан жаҳон транспорт хизматлари бозорида Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини таъминлаш;

9) транспорт соҳасидаги жорий ва истиқболли эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда, таълим, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли равишда жорий этиш.

13. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) транспортнинг барча турларини Ўзбекистон Республикаси ягона транспорт тармогига интеграциялаштириш ва янги самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланиш асосида биргаликда ривожлантиришига йўналтирилган ягона давлат транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш соҳасида:*

транспорт ва йўл хўжалигини ривожлантириш, транспорт соҳасининг самарадорлиги ва жозибадорлигини ошириш, транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида соғлом рақобат мухитини шакллантириш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

соҳалар ва ҳудудларнинг комплекс, истиқболли ва илмий асосланган режасини ҳисобга олган ҳолда, транспорт ва йўл хўжалигини ривожлантиришининг транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги вазифаларни изчил ва тизимли ҳал этишиб таъминлаш билан боғлиқ барча масалаларни ўз ичига олган узок муддатли келажакка мўлжалланган концепцияларини ишлаб чикади;

транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганишни ташкил этади ва ўрганиш натижалари асосида аниқланган муаммоларни ҳал этиш, Марказий Осиё ва Европа давлатлари ўртасида йўловчилар ва юк оқимини оптималлаштириш йўлларини излаш, миллий транспорт коммуникациялари орқали ҳалқаро ва минтақавий транзитни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишни таъминлайди;

ҳалқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириш, мамлакатнинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматлари учун харажатларини минималлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва чора-тадбирларни амалга оширади;

идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик килади, улар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилади, мазкур ташкилотлар раҳбарлари билан ҳамкорликда уларнинг самарали ишлашини таъминлайди;

экспорт ҳажмларини ошириш ва импортни оптималлаштириш бўйича самарали сиёсатни амалга ошириш доирасида, транспорт ва йўл хўжалиги корхоналарининг экспорт-импорт тартиб-гаомилари мониторингини амалга оширади;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида ягона техник сиёсатни амалга оширишни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси топширикларига биноан ҳамда шахсий ташаббусига кўра, норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритади;

фаолиятнинг белгиланган соҳасига тегишли масалалар бўйича норматив-хукуқий ҳужжатларни тасдиқлади;

идоравий мансуб ташкилотларнинг техник тартибга солиш борасида улар фаолияти соҳасига тегишли норматив-хукуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Конунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамасига транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги норматив-хукуқий базани такомиллаштириш, амалдаги ҳалқаро транспорт йўлакларида самарали фойдаланиш ва янгиларини ташкил этиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритади;

вазирлик ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектларнинг транспорт турлари бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлари, ривожлантириш дастурлари, тармоқларни ривожлантириш бўйича транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги фаолиятга оид бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини келишади;

ўз ваколати доирасида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг транспорт ва йўл хўжалигини ривожлантириш самарадорлиги ҳалқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқади;

*б) транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантиришини разбатлантириши, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммаболлигини таъминлаш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишига йўналтирган транспорт соҳасидаги ягона тариф сиёсатини амалга ошириш соҳасида:*

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида транспорт хизматлари бозорида соглом рақобатбардош муҳитни шакллантириш ва миллий компаниялар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ягона тариф сиёсатини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасида транспорт соҳасида бозор муносабатларини янада ривожлантириш ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишини ҳисобга олган ҳолда, аҳоли ва ташкилотларга кўрсатилаётган транспорт хизматларига тарифларни шакллантиришиниг асосий йўналишлари, концептуал ёндашувларини белгилайди;

тарифларни шакллантириш ва қўллаш бўйича норматив-хуқукий базани, жумладан, халқаро қонунчилик ва стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиради;

транспорт ва йўл хўжатиги соҳасида тариф сиёсати, ставкалар ва йигимлар масалаларини тартибга солиши, мувофиқлантириш ва келишишда иштирок этади;

ташувчи компаниялар билан ҳамкорликда халқаро тарифлар бўйича йигилишлар ва конференциялар ўtkазиш доирасида таклифларни ишлаб чиқади;

аэронавигация хизматларини кўрсатиша ҳаво маконидан фойдаланувчилар эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди;

автомобиль ташувлари йўналишларини тендер бўйича амалга ошириш механизмларини жорий этади, шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар йўналишларида хизмат кўрсатиш хуқукини берувчи намунавий контрактларни ишлаб чиқади ва тасдиклайди;

*в) халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириши бўйича таклифлар ишлаб чиқиши ва чора-тадбирларни амалга ошириши, мамлакат транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиши, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишдаги сарф-харажатларини камайтириши соҳасида:*

транзит салоҳиятини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ўтгувчи транзит йўлакларининг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан таклифларни тайёрлаш йўли билан ягона транзит сиёсатини амалга оширади;

логистика тизими самарадорлигини ошириш, логистика самарадорлигининг халқаро рейтингларида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларига харажатларини минималлатириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

мавжуд транспорт йўлакларини диверсификациялаш ва истиқболлиларини ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

мультимодал ташувларни ривожлантириш борасида стратегия ишлаб чиқади;

*г) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириши ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигини ошириш соҳасида:*

давлат-хусусий шерикликни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

тармоқни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаган ҳолда, транспорт ва йўл хўжалигининг яқин ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган Инвестицион дастурларни шакллантиради ва улар ижроси ҳолатини мониторинг қиласи;

транспорт ва йўл хўжалиги рақобатбардошлиги ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Транспорт ва йўл хўжалиги инвестиция дастурларини амалга ошириш учун инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва масалаларни ишлаб чиқади;

*д) бутун транспорт тизимини рақамлаштириш бўйича илгор ахборот технологияларини жорий этиши, Ўзбекистон Республикаси Транспорт тизимининг бир-бирига боғланган ягона тизимини истиқболли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқшиш ва амалга ошириш соҳасида:*

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида ягона ахборот-коммуникация сиёсатини амалга оширади, транспорт ва йўл хўжалиги корхоналарининг рақамли иқтисодиётга ўтиш стратегиясини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идоралари билан биргаликда транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш малалалари бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида ягона ахборот платформаларини яратишда иштирок этади;

*е) автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириши, фойдаланувчилар манфаатини ҳисобга олган ҳолда, автомобиль йўллари, аэродромлар ва аэропортлар, вокзаллар, темир йўллар ва транспорт инфраструктурасининг бошқа объектларини молиялаштириш, лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва фойдаланиши масалаларининг комплекс ечимини таъминлаш соҳасида:*

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида замон талабларига жавоб берадиган инфраструктурани яратишга қаратилган ягона техник сиёсатни амалга оширади;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида экологик хавфсизликни таъминлаш ишларини мувофиқлаштиради;

йўл қурилиши, йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва қурилмаларини ишлаб чиқариш соҳасида техник тартибга солишга оид норматив хужжатлар талаблари бажарилишини назорат қиласи;

транспорт ҳамда йўл хўжалигини техник жиҳатдан ривожлантириш, ташувлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ишларни амалга оширади;

ж) транспорт соҳасида назоратни амалга ошириш, фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидағи ҳалокатлар ва баҳтсиз ҳодисаларни, шунингдек, темир йўл ва дарё транспортидағи авария ва ҳалокатлар бўйича текширувларни ташкил этиши ва амалга ошириш соҳасида:

йўловчилар, багаж ва юк ташиш қоидаларига риоя этиш, йўловчилар ва юк ташиш хавфсизлиги, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятининг зарур даражасини таъминлаш, йўловчилар йўналишларида транспорт воситаларининг бир маромда ҳаракатланиши, белгиланган ҳаракат жадвали ва ораликларига риоя этилишини тизимли назорат қилишни ташкил этади;

қонунчиликда белгиланган тартибда:

автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ва юк ташиш;

темир йўл транспортида ички ва халқаро йўналишларда йўловчилар ва юкларни ташиш хуқуқини берувчи лицензияларни (лицензия варагаларини) беради;

руҳсатнома ҳужжатлари шартлари ва лицензия талабларига риоя этилишини назорат қиласи, белгиланган тартибда берилган лицензиялар ва руҳсатнома ҳужжатларининг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш чораларини кўради;

кемаларни рўйхатдан (қайта рўйхатдан) ўтказиш, кемаларни қуриш, улардан фойдаланиш, қайта жиҳозлаш ва таъмирлашда кўрикдан ўтказишни амалга оширади;

кемаларга кема гувоҳномалари ва чипталар, тоифа гувоҳномалари, сузишга яроқлилик гувоҳномалари ва кемачиликни тартибга солиш қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни беради;

автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташиш билан шуғулланувчи юридик шахслар ходимларига, шунингдек, темир йўл транспорти ташкилотлари, марказлари ва корхоналарида янги лавозимга тайинланган раҳбарлар ва масъул бошқарув ходимлариги қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини аттестациядан ўтказади;

Ўзбекистон Республикаси худудида авиаация ҳодисалари ва фуқаро авиацияси ҳамда экспериментал ҳаво кемаларидағи ҳалокатлар ва тўқнашувларни, шунингдек, темир йўл ва дарё транспортидағи авария ва ҳалокатларни техник суриштирув-тергов ишларини ташкил этади ва амалга оширади;

ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат худудидаги фуқаро авиаацияси ва экспериментал ҳаво кемалари билан юз берган авиаация ҳалокатлари ҳамда тўқнашувларни, шунингдек, йўловчилар поездлари таркиблари билан юз берган авария ва ҳалокатларни суриштирув-тергов қилиш ишларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тергов, шу жумладан транспорт корхоналари ва ташкилотлари томонидан ўтказилаётган текширув ишларининг белгиланган муддатларда ва холисона олиб борилишини, фуқаро авиаацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидағи ҳалокатлар ва баҳтсиз ҳодисалар, шунингдек, темир йўл ва дарё транспортидағи авария ва ҳалокатларнинг тўғри таснифланишига риоя этилиши ва уларни ҳисобга олган ҳолда назорат қиласи;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиацияси ҳамда экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисаларни, шунингдек, темир йўл ва дарё транспортидаги авария ва ҳалокатларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

биринчи навбатда, Фавқулодда вазиятлар давлат тизими (кейинги ўринларда ФВДХ деб аталади), ҳарбий бўлинмаларнинг қутқариш тузилмалари, кучлари ва воситалари ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ҳамда эвакуация тадбирларини амалга ошириш учун юкларни ташишни таъминлайди;

ФВДХ, автотранспорт хизмати ва автойўл хизматларининг функционал кичик тизимлари фаолиятига раҳбарлик қиласди;

Ўзбекистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси худуди бўйлаб автомобиль ва темир йўл транспортида транзит ҳаракатланаётган ҳавфли ва маҳсус юкларни ташишнинг энг қисқа масофаси тартибини белгилашда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларини реконструкция қилиш ва қўчириш тўғрисидаги таклифларини келишишни амалга оширади;

*з) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги ҳалқаро ва ҳудудий ҳамкорликни ривожлантириши ҳисобидан транспорт хизматлари жаҳон бозорида Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини таъминлаш соҳасида:*

Вазирлик ваколатига тегишли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳалқаро даражада ифода этади;

хорижий ва ҳалқаро ташкилотлар билан ҳалқаро ҳамкорликни ўрнатади ва ривожлантиради;

Вазирлик ваколатига тегишли масалалар бўйича идоралараро хусусиятдаги ҳалқаро шартномаларни тузади;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида ҳалқаро семинарлар, анжуманлар, кўргазмаларни ташкил этади ва амалга оширади ҳамда хориждаги шундай тадбирларда иштирок этади;

*и) транспорт соҳасидаги жорий ва истиқболли эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда, таълим, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишининг илгор усулларини тизимли равишда жорий этиши соҳасида:*

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш сиёсатини белгилайди;

қонун хўжжатларига мувофиқ транспорт ва йўл хўжалиги корхоналарини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга йўналтирилган кадрлар бўйича давлат сиёсатини амалга оширади;

ихтисослаштирилган тренажерлар, турли иловаларни кенг қўллаб, ўкув жараёнига масофавий таълимни фаол жалб қилган ҳолда, транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишининг, шу жумладан оммавий касблар, сайёр машғулотларнинг базавий дастурларини тасдиқлайди;

таълим жараёнининг ишлаб чиқариш билан самарали ҳамкорлигини, битирувчиларни ишга жойлаштириш мақсадида транспорт таълим муассасалари ва иш берувчиларнинг сайди-харакатларини, жумладан, хусусий инвестицияларни ўкув жараёнига жалб этган ҳолда бирлаштиришни ташкил этади;

транспорт логистикаси тизими йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар ва раҳбар кадрларни тайёрлаш, йўналиш тармоги ва йўловчи оқимларини моделлаштиришнинг иқтисодий-математик усулларини кўллашни ташкил этади;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказишни ташкил этади ҳамда уларнинг натижаларини илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни самарали интеграциялаштириш йўли билан амалга оширишни ташкил этади;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шугууланувчи таълим муассасаларини аккредитациядан, уларнинг педагог ва илмий кадрларини аттетациядан ўтказишида иштирок этади;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги фанлар ҳамда мутахассисликлар бўйича хорижий давлатларда берилган таълим ва илмий даража бериш тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳамда нострификация килишда (эквивалентлигини белгилашда) иштирок этади.

14. Вазирлик қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошка функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

15. Вазирлик унга юқланган вазифалар ва функцияларни бевосита ҳамда Вазирлик ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар оркали бажаради.

## **2-§. Вазирлик марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари**

16. Қуйидагилар Вазирлик марказий аппаратининг асосий вазифалари хисобланади:

1) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш;

2) Вазирлик ҳамда унинг таркибий ва худудий бўлинмалари фаолияти билан бўглиқ прогноз кўрсаткичлар, мақсадли индикаторлар, сифатга эришиш ва ривожлантириш дастурларини самарали амалга оширишни таъминлаш;

3) Вазирлик фаолияти соҳасига тегишли масалаларда вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсатининг йигилишларида масалаларни мухокама қилишда иштирок этиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топширикларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш;

5) Вазирлик ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

6) Вазирликнинг марказий аппарати ва худудий бўлинмалари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини танқидий таҳлил қилиш, таҳлил натижаларига кўра зарур чора-тадбирларни кўриш;

7) Вазирлик ва унинг таркибий ва худудий бўлинмалари фаолиятига замонавий иш услубларини жорий этиш;

8) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва эркинлигини таъминлаш;

9) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни самарали таъминлаш, ахоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга кўйиш;

10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилишни, Вазирлик раҳбарияти ва ходимларининг улар фаолиятида фаол иштирок этишини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

11) транспорт ва йўл хўжалигини ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар, транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги дастурий-услубий ва бошқа тартибга солувчи хужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

12) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида халқаро ва давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш бўйича халқаро хорижий тадбирларда Вазирлик вакилларининг иштироқини таъминлаш;

13) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг (кейинги ўринларда Вазир деб аталади) буйруклари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

14) таркибий бўлинмаларда кадрларни ташлаш ва жой-жойига кўйиш, уларнинг касб маҳорати, чукур билимга эгалиги, тажрибаси, ишчанлик ва одоб-аҳлоқ ҳамда маънавиятининг юқори даражаси кафолатланганлигини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, назоратдаги таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

15) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва илмий-техник тараққиётда эришилган натижаларни ўрганишни ташкил этиш, транспорт ва йўл хўжалигини янада ривожлантиришда мазкур тажрибани жорий этиш;

16) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида халқаро семинарлар, анжуманлар, кўргазмалар ўтказилишини ташкил этиш ҳамда бошқа ташкилотлар ўтказадиган шу каби тадбирларда иштирок этишни таъминлаш.

17. Вазирлик марказий аппарати унга юклangan асосий вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

1) Вазирлик ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий таъминотини амалга оширади;

2) Вазирликнинг таркибий ва худудий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Вазирликнинг буйруқ ва норматив-ҳукукий хужжатлари, ҳайъати қарорларининг бажарилишини доимий назорат қилиб борилишини таъминлайди;

3) Вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган ҳужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этади;

4) Вазирликнинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик килади, мувофиқлаштиради ва назоратини амалга оширади;

5) ички ва халқаро йўлларда темир йўл транспортида йўловчилар ва юкларни ташиб хуқуқини берувчи лицензиялар беради ва берилган лицензиялар реестрини юритади, жойларга бориб лицензия талаблари ва шартларининг лицензиатлар томонидан бажарилишини назорат қилади;

6) обьектлар, маҳсулотлар ва технологияларнинг темир йўл транспорти соҳасида белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан уларни фойдаланишга қабул қилиш лойиҳалари ва ишларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказади ҳамда улар бўйича хулосалар беради;

7) локомотивлар, юк ва изотермик вагонларнинг хизмат муддатини узайтириш бўйича техник ечимлардан ишлаб чиқаришда фойдаланишни келишишни белгиланган тартибда таъминлайди;

8) темир йўл йўлаклари, шунингдек, вагон ва контейнерларни юклаш, тушириш ва тозалашга мўлжалланган ускуналарни қуриш ва таъмирлаш лойиҳаларини келишишни таъминлайди;

9) Вазирлик фаолиятини, шу жумладан қонун ижодкорлиги соҳасида хуқуқий таъминлашни амалга оширади;

10) Вазирлик ваколатига тегишли тезкор, ташкилий, кадрларга оид, молиявий, ишлаб чиқариш-хўжалик ва бошқа масалаларни ҳал этиш билан шугулланади;

11) Вазирлик ва унинг таркибий ҳамда худудий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

12) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар билан Вазирлик фаолияти соҳасига тегишли масалалар бўйича ҳамкорликни таъминлайди;

13) Вазирликнинг таркибий ва худудий бўлинмалари иш фаолиятига замонавий услубларни жорий этишни таъминлайди;

14) Вазирликнинг самарали фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

15) Ўзбекистон Республикаси худудида ва унинг ташқарисида транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида анҷуманлар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан ишларни амалга оширади.

**3-§. Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар  
ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармаларининг вазифалари  
ва функциялари**

18. Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармаларининг асосий вазифалари ва функциялари хисобланади:

Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри худудида Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармалари қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) ташувлар, транспорт обьектлари хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш юзасидан янги норматив-хуқукий ҳужжатларни ишлаб чикиш ва мавжудларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритади ҳамда бошқарув органлари ва хўжалик субъектлари томонидан уларга риоя этилишини назорат қиласди;

2) мавжуд ҳалқаро йўлаклардан самарали фойдаланиш ва янгиларини ташкил этиш бўйича таклифлар киритади;

3) транспорт ва йўл хўжалигини ривожлантириш бўйича комплекс дастурлар ва концепцияларни, шунингдек, хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чикиш ва амалга оширишда иштирок этади;

4) шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ички йўловчи йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерларни ўтказиш юзасидан йўловчи ташишларни ташкил этиш бўйича комиссия ишини белгиланган тартибда ташкил этади;

5) автоташувлар, автовокзал, автостанциялар фаолияти, ҳаракатлар тартиби, жадваллари ва графикларига риоя этилиши, йўлларда ҳаракатланиш тезлиги мониторинги маълумотлари, ҳаракатлар чизмаси, ташиш тарифлари, ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш тартибига риоя этишини бошқариш ва диспетчерлик назоратини ўрнатишни ташкил этади;

6) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва аҳолининг транспорт ва йўл хўжалиги фаолиятига тегишли таклифларини кўриб чиқади, уларни умумлаштирган ҳолда, Вазирлик марказий аппаратига тақдим этади;

7) йўловчилар йўналишларидаги тўхташ бекатларини хатловдан ўтказади, Вазирлик марказий аппаратига тўхташ бекатларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан таклифлар киритади;

8) саноат корхоналари ҳаракатланувчи таркибининг умумий фойдаланишдаги темир йўлларга чиқиши учун рухсатномалар берини белгиланган тартибда таъминлади;

9) автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро йўловчилар ва юқ ташишларни лицензиялашни, лицензия/лицензия ва рақаллари реестрини юритишни амалга оширади;

10) куйидагиларни назорат қиласи:

ташувчилар томонидан йўловчилар ҳаёти, соглиги ва (ёки) мулкига зарар етказганлик учун қонун ҳужжатларида ўрнатилган фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурталашга оид мажбуриятларнинг бажарилиши;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши;

автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташишни амалга оширувчи автотранспорт воситаларида лицензия ва рақаларининг мавжудлиги;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасидан йўловчилар автовокзаллари, автостанциялар, маҳаллий изжро этувчи ҳокимият органлари тасарруфида бўлган умумий фойдаланишдаги йўловчилар йўналишларидаги тўхташ бекатларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун ажратилган пул маблагларидан мақсадли фойдаланилганини, Вазирлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилган маблагларнинг сарфланиши;

автомобилда халқаро ташишни амалга оширишда рухсатнома бериш тизими талабларига риоя этилиши;

автотранспорт воситларининг вазн ва ҳажм параметрларига риоя этилиши.

20. Қорақалпогистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга ошириши мумкин.

#### **4-боб. Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги**

##### **1-§. Вазирликнинг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги**

21. Вазирлик ўзига юклangan вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Махкамасига норматив-ҳукукий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда Вазирликка юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни белгилangan тартибда киритиш;

2) Вазирлик ваколатига тегишли масалаларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини белгилangan тартибда мувофиқлаштириш;

3) юридик шахс ҳуқуқларида йўловчилар ва/ёки юк ташиш, транспорт-логистика фаолияти, инфратузилма обьектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил ихтисослаштирилган ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, Вазирлик тузилмасига киравчи ташкилотларни белгилangan тартибда бирлаштириш ва тугатиш (давлат бошқаруви органлари бундан мустасно);

4) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси маблагларини бошқариш;

5) давлат органларига транспорт ва йўл хўжалигидан фойдаланиш қоидаларини бузишда айбдор шахсларни қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка тортиш ҳакида таклифлар киритиш;

6) маъмурий судларга транспорт соҳасида ташувчилар томонидан йўловчилар ҳаёти, соглиги ва (ёки) мулкига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталашга оид қонунда белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги бўйича айбдор шахсларни қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка тортиш ҳакида баённомаларни тузиш ва киритиш;

7) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Вазирлик ваколатига тегишли масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда бепул сўраш ва олиш;

8) Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўлларида ва транспорт инфратузилмаси обьектларида хавфсизликни таъминлаш бўйича назоратни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органлари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасидан ёзма ва/ёки электрон шаклда зарур маълумотларни бепул сўраш ва олиш, ўз ваколати доирасида мазкур таъкидланган ташкилотларнинг электрон маълумотлар базасидан эркин белгиланган тартибда фойдаланиш;

9) статистика органларидан Вазирлик ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган статистик маълумотларни бепул сўраш ва олиш;

10) лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунчиликда белгиланган тартибда режали ва қисқа муддатли текширувларини амалга ошириш;

11) Вазирлик ва унинг идоравий мансуб тузилмаларининг давлат мулкини ўз ташкилий тузилмаси доирасида бир таркибий тузилмадан бошқасига қонунчиликда белгиланган тартибда, бепул фойдаланиш хуқуки билан ўтказиб бериш;

12) қонунчиликда тақиқланмаган маблағлар ҳисобидан бюджетдан ташқари моддий рағбатлантириш жамғармаларини ташкил этиш, марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмалар ходимларини улар томонидан Вазирлик фаолиятини баҳолаш мезонлари ва ишчи ўлчовларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда, моддий рағбатлантириш тартиби, миқдори ва шартларини белгилаш;

13) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, банкларда ҳисобрақамлар очиш;

14) Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таклифларни муҳокама этиш учун киритиш;

15) Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда ҳалқаро шартномаларни тузиш;

16) ҳалқаро даражада транспорт ва йўл хўжалиги масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифода этиш;

17) ўз ваколати доирасида анжуманлар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шу каби тадбирларда иштирок этиш;

18) транспорт ва йўл хўжалигини яхшилаш ва ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ҳамкорликда ишлаб чиқиши мақсадида халқаро, хорижий ва миллий ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш;

19) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги транспорт ташкилотларининг ваколатхоналари ва хорижий муассасаларидан мунтазам равишида транспорт ва йўл хўжалигини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий материаллар, ҳисботлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан транспорт ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан таклифларни сўраш ва олиш;

20) давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиха институтлари, илмий ва ўқув муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини ва экспертларни шартнома асосида маслаҳатчи сифатида жалб этиш;

21) юқори малакали ва малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ҳамда уларга иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини хорижий валютада белгилаш.

22. Конун хужжатларига мувофиқ Вазирлик бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 23. Вазирлик:

1) Вазирликка юклangan вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, шунингдек, транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш;

2) Вазирлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлар, мақсадли индикаторлар, сифатга ва ривожлантириш дастурларини самарали амалга оширишни таъминлаш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-хуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Вазирлик томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати ва якуний натижалари;

4) транспорт ва йўл хўжалигини ривожлантириш, шунингдек, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, “йўл ҳариталари” ва бошқа дастурий хужжатларнинг самарали амалга оширилиши;

5) фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъулдир.

### 2-§. Вазирлик марказий аппаратининг хуқуқлари ҳамда жавобгарлиги

24. Вазирлик марказий аппарати ўзига юклangan вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги хуқуқларга эга:

1) Вазирликнинг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиши учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни, шунингдек, норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини сўраш ва олиш;

2) зарур ҳолларда, Вазирликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материаллар, шунингдек, норматив-хукукий ва бошқа ҳужжатлар лойихаларини тайёрлаш учун Вазирликнинг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари ва вакилларини жалб этиш, ушбу мақсадларда эксперт ва ишчи гурухларни тузиш;

3) Вазирликнинг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан қонунчилик ва норматив-хукукий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Вазирлик, шунингдек унинг раҳбарияти ҳужжатлари ва топшириқларининг бажарилиши доирасида уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

4) Вазирликнинг марказий аппарати бошқармалари ва ходимлари фаолиятини тасдиқланган лавозим йўриқномаларига мувофиқ ташкил этишда бевосита иштирок этиш;

5) Вазирликнинг таркибий ташкилотлари ва муассасаларининг бошқармалари фаолиятига тегишли масалаларни ўрганишни ташкил этиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

6) Вазирлик тизимида бухгалтерлик ҳисобини амалдаги норматив-хукукий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳамда замонавий техник воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда юритиш ташкил этилишини таъминлаш, тизимга кирувчи ташкилотларда бухгалтерлик ҳисоби юритилишини назорат қилиш;

7) харажатлар сметасида назарда тутилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг муайян мақсадларга тўғри сарфланганлигини, шунингдек, пул маблағлари ва моддий бойликларнинг сақланишини мунтазам назорат қилиб бориш;

8) транспорт ва йўл хўжалигини ривожлантириш масалаларини сифатли ўрганиш ва мониторинг қилишни ташкил этиш учун комиссиялар, ишчи ва эксперт гурухларни тузиш;

9) вазирликлар, идоралар, ўкув ва бошқа муассасаларнинг олимлари, юқори малакали мутахассисларини транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида илмий ва эксперт ишлар, маслаҳатларни ўtkазиш, долзарб масалаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Вазирлик таркибига кирувчи ўкув муассасаларида дарс бериш ва маҳорат сабоқлари ўtkазиш учун хорижий мутахассисларни шартнома асосида таклиф этиш.

25. Вазирликнинг марказий аппарати қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

26. Вазирликнинг марказий аппарати:

1) Вазирликнинг таркибий тузилмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан биргаликда Вазирликка юклangan вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

2) Вазирлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича Вазирлик марказий аппарати тузилмаларининг ишини ташкил этиш;

3) Вазирлик томонидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-хукуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойихалари, шунингдек, Вазирлик томонидан қабул қилинадиган буйрукларнинг тайёрланиш сифати;

4) Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл ҳариталари» ва бошқа дастурий хужжатларнинг таркибий ва худудий бўлинмалар томонидан амалга оширилишини ташкил этиш учун масъулдир.

### **3-§. Қорақалпогистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармаларининг хукуқлари ҳамда жавобгарлиги**

27. Қорақалпогистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармалари уларга юклangan вазифа ва функцияларни бажариш учун қўйидаги хукукларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан улар ваколатига тегишли масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган мъалумотларни белгиланган тартибда бепул сўраш ва олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ваколатига тегишли масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш.

28. Қорақалпогистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармалари:

1) Вазирликнинг худудий бўлинмалари билан биргаликда вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юклangan вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

2) Вазирликка киритилаётган хужжатлар ва таклифлар, шунингдек, қабул қилинаётган қарорлар лойихаларининг сифати, уларни амалга ошириш яқуний натижалари;

3) Қорақалпогистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида транспорт ва йўл хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича таклифларни аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш асосида тайёрлаш;

4) Қорақалпогистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида транспорт ва йўл хўжалиги соҳасини ривожлантириш, муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл ҳариталари» ва бошқа дастурий хужжатларни самарали амалга ошириш;

5) фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хукуклари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш ва уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъулдир.

### **5-боб. Вазирлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари**

29. Қўйидагилар вазирнинг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-хукуқий хужжатлар талабларига риоя этиш;

2) Вазирлик фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли хужжатлари. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошка қонун хужжатлари билан Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдикланган транспорт ва йўл хўжалиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс дастурлар ва комплекс тадбирларнинг ижросини танқидий ва чукур таҳлил қилиш;

4) Вазирлик, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари фаолияти билан боғлик прогноз кўрсаткичлар, мақсадли индикаторлар, сифатга ва ривожлантириш дастурларининг самарали амалга оширилишига эришишни сўзсиз таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар билан Вазирлик фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсатининг масалаларини кўриб чиқиш бўйича йигилишларида иштирок этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топширикларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини ташкил этиш;

7) ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Вазирликнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, ўринбосарларининг ва бошка мансабдор шахсларнинг Вазирлик фаолиятининг айrim участкаларига раҳбарлик қилишда шахсий жавобгарлик даражасини белгилаш;

8) Вазирлик фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Вазирлик ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг ижроси ҳолатини назорат қилиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришининг амалий тизимини яратиш, Вазирлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ва “Давлат органлари ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топширикларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий ва худудий бўлинмалар, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

10) Вазирлик тизимида кадрларни ташлаш ва жой-жойига қўйиш, уларниг самарали фаолият юритишилари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, Вазирликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

11) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Вазирликка ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий иш тажрибаси, юқори ишчанлик даражаси ва маънавий-ахлоқий сифатлари кафолатланганлигини таъминлаш;

12) фаолият соҳасидаги масалалар бўйича норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш, уларниг Вазирлар Маҳкамасига “Норматив-хукукий хужжатлар тўғрисида”, “Конунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Конунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлик фаолиятини такомиллаштириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги 11Ф-5519-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти деб аталади) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 марта 242-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамаси Регламенти (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамаси Регламенти деб аталади) талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, шунингдек, уларни Вазирликда ишлаб чиқиш, Вазирлик раҳбарияти хузурида химоя қилиш, Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш ва қайта ишлашда иштирок этиш;

13) “Норматив-хукукий хужжатлар тўғрисида”, “Конунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Конунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг конун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентига мувофиқ Вазирликнинг конун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

14) Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси Регламентида белгиланган муддатларда ўз вақтида келишини (виза қўйиш);

15) Вазирликнинг конун хужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш фаолиятини “Норматив-хукукий хужжатлар тўғрисида”, “Конунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Конунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа конун хужжатларига мувофиқ ташкил этиш;

16) Вазирлик ваколатига тегишли масалалар бўйича норматив-хукукий хужжатларни қабул қилиш, зарур ҳолларда, бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

17) Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиши тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон, “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикаси га ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланишини таъминлаш;

18) ўринбосарлари ҳамда таркибий ва худудий бўлинмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини доимий танқидий таҳлил қилиш, Вазирликнинг ҳайъат йигилишларида уларнинг шахсий ҳисботларини тинглаш, муҳокама якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

19) Вазирлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган давозимида қолиш-қолмаслик мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш юзасидан тизимли чораларни амалга ошириш;

20) Вазирлик ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари (кейинги ўринларда Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) асосида тасдиқланган Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

21) “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни содир этишга имкон яратувчи омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, сабаб ва шароитларини бартараф этиш;

22) Вазирлик ҳамда унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ишини ташкил этишининг илғор шаклларини жорий этишни таъминлаш;

23) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, сифатини, шу жумладан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширишда “ягона дарча” принципини жорий этиш ҳамда “Электрон хукумат тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Конуни амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш йўли билан ошириш;

24) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўгри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, шахсий қабулларни, шу жумладан “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Конунида ҳамда Вазирликда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги тегишли хужжатларда

белгиланган муддатларда ва тартибда, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини мунтазам ўтказиш юзасидан самарали ишларни ташкил этиш;

25) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг улар фаолиятида фаол иштирок этишини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

26) давлат сири ва маҳфий маълумотлар тоифасига кирувчи маълумотлар билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя этиш;

27) Вазирлик марказий аппарати штат жадвали ва ҳаражатлар сметасини, шунингдек, Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари низомларини ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар уставларини тасдиқлаш;

28) марказий аппарат ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

29) Коракалпогистон Республикаси Жокорги Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишилган ҳолда, Коракалпогистон Республикаси Транспорт вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармалари бошлиқтарини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги тақдимномаларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

30) транспорт ва йўл ҳўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириши таъминлаш, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиёт органдарни ҳамда бошқа ташкилотларининг транспорт ва йўл ҳўжалиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

31) транспорт ва йўл ҳўжалиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш чораларини кўриш;

32) Ўзбекистон Республикасининг имилжи ва транспорт брендини яратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ этиш борасида ягона сиёсатни амалга ошириш;

33) транспорт ва йўл ҳўжалиги соҳасида халқаро ва ҳукуматлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш бўйича халқаро тадбирларда иштирок этиш.

Қонунчиликка мувофиқ Вазир бошқа функционал вазифаларга эга бўлиши мумкин.

30. Қуйидагилар Вазир ўринbosарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

2) Вазир вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиягини мувофиқлаштириш, назорат килиш ва бевосита бошқариш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан Вазирлик фаолиятининг мутасаддилик килинадиган йўналишлари бўйича тасдиқланган Вазирлик фаолиятини янада такомиллашириш юзасидан комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижроси ҳолатини танкидий ва чукур таҳлил қилиш;

5) мутасаддилик килинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича чоралар кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг хисоботини тизимли эшлишиб бориш ва белгиланган кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари ижросини таъминлаш, шунингдек Вазирлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ва “Давлат органлари ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 япвардаги 12-сон қарорига мувофиқ топширикларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий ва худудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

7) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазир буйруқлари ва топширикларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

8) Вазирга мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш бўйича таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий иш тажрибаси, юқори ишчанлик даражаси ва маънавий-ахлокий сифатлари кафолатланганлигини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

9) таркибий бўлинмалар томонидан норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиши тапкил этиш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини кслгусида муҳокама этиш, имзолаши (виз кўйинш) учун кўриб чиқиши ва виза кўйинш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талабларига қатъий равишда, ўз вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш, Вазир топширигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасида норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

10) Вазирликка тақдим этилган норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиши;

11) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон, “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблагълардан оқилона фойдаланишини таъминлаш;

12) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини доимий танқидий таҳлил қилиб бориш, Вазирликнинг ҳайъат йиғилишларида уларнинг шахсий ҳисботларини тинглаш, муҳокама якунлари бўйича зарур чораларни кўриш;

13) Вазирлик фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалий чора-тадбирлар қабул қилиш, транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги конун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирга киритиш;

14) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиш-колмаслиги мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича Вазирга таклифлар киритиш, уларнинг функционал масъулиятлари ва юкландиган вазифалар бажарилишида шахсий масъулиятини ошириш юзасидан тизимли чораларни амалга ошириш;

15) Вазирлик ходимлари томонидан ходимнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши таъминланишини назорат қилиш;

16) “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳукуқни кўллаш амалиёти ва конунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни содир этишга имкон яратувчи омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, сабаб ва шароитларини бартараф этиш;

17) Вазирга давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланиш даражасини ошириш бўйича таклифлар киритиш;

18) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, шахсий қабулларни, шу жумладан, “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Конунида ҳамда Вазирликда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги тегишли ҳужжатларда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини мунтазам ўтказиш юзасидан самарали ишларни ташкил этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, улар фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини тъминлаш;

20) давлат сири ва маҳфий ахборотлар тоифасига кирувчи маълумотлар билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя этилишини тъминлаш;

21) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш борасида норматив-хуқуқий ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши ташкил этиш;

22) техник жиҳатдан тартибга солиш борасида норматив ҳужжатларнинг давлат жамгармасини шакллантиришда иштирок этиш;

23) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий ўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш;

24) ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг узок ва ўрта муддатли давлат дастурларини, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишида иштирок этиш;

25) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида малакати кадрларни тайёрлаш, касбий таълим муассасаларининг ўкув даражаси ва сифатини тубдан оширишга кўмаклашиш, кадрларни, шу жумладан хориждаги илғор илмий-тадқиқот муассасаларида ва таълим марказларида тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил килиш;

26) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида хорижий давлатлар, хатқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш.

Вазирнинг биринчи ўринбосари Вазирлик марказий аппаратурининг штат жадвалини ходимларнинг белгиланган чекланган сони, шунингдек, марказий аппарат харажатлар сметаси асосида тасдиқлайди.

31. Қуйидагилар Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунлари ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

2) таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга ошириш, мазкур бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар ижросини тъминлаш;

3) ўз ваколати доирасида Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

4) прогноз кўрсаткичларни мунтазам таҳнил қилиб бориш ва қайд этилган кўрсаткичларга таркибий ва ҳудудий бўлинмалар томонидан сўзсиз эришишни тъминлашга йўналтирилган қўшимча чораларни кўриш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирнинг мутасаддилик қиладиган ўринбосарларига киритиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари ижросини тъминлаш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида ижро интизомини мустаҳкамлашнинг комплекс амалий чора-тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, “Давлат органлари ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ таркибий бўлинмалар ходимлари томонидан топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида шахсий масъулиятини ошириш бўйича чоралар кўриш;

6) Ҳайъат қарорлари, Вазир ва унинг ўринбосарлари буйруқлари ва топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) таркибий бўлинмаларнинг иш режаларини ишлаб чиқиш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда қайд этилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

8) таркибий бўлинмаларга юқланган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, Вазирлик худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятида амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

9) таркибий бўлинмалар фаолияти масалалари бўйича қонунчиликни тақомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб учун Вазирлик раҳбариятига киритиш;

10) Вазирлик раҳбариятига таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий иш тажрибаси, юқори ишчанлик даражаси ва маънавий-ахлоқий сифатлари кафолатланганлигини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

11) таркибий бўлинмалар томонидан норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини келгусида Вазирлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талаблариiga қатъий равишда ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш, Вазирлик раҳбарияти топширигига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша иштирок этиш;

12) Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

13) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини тақомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон, “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун

мансадбор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ равишда амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланишини таъминлаш;

14) таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини доимий танқидий таҳлил қилиб бориш, йигилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшлиб бориш, уларни кўриб чиқиш якунлари бўйича зарур чораларни кўриш;

15) таркибий бўлинмалар ходимлари томонидан ходимнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

16) “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳукукни кўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни содир этишга имкон яратувчи омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, сабаб ва шароитларини бартараф этиш;

17) Вазирликка давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва улардан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

18) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга кўйиш, шахсий қабулларни, шу жумладан, “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳамда Вазирликда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш гартиби тўғрисидаги тегишли хужжатларда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини мунтазам ўtkазиш юзасидан самарали ишларни ташкил этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, улар фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонига мувофиқ ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

20) давлат сири ва маҳфий ахборотлар тоифасига кирувчи маълумотлар билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш;

21) таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятини тасдиқланган лавозим йўриқномаларига қатъий мувофиқ равишда ташкил этиш;

22) таркибий бўлинмалар ваколатига тегишли масалалар бўйича таҳлилий материалларни Вазирлик раҳбарияти учун тайёрлаш;

23) Вазирлик таркибий бўлинмалари фаолиятини ўрганиш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши.

32. Куйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармалари бошлиқларининг функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармалари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатлари ва Вазирлик буйруқлари билан юкланган вазифа ва функцияларнинг ижросини таъминлаш;

3) ҳудудий бўлинмалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича амалий чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, “Давлат органлари ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ҳудудий бўлинмаларда ижро интизомини мустаҳкамлашнинг комплекс амалий чора-тадбирларини амалга ошириш, ҳудудий бўлинмалар ходимлари томонидан топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида шахсий масъулиятини ошириш бўйича чоралар кўриш;

5) Вазирлик Ҳайъати қарорлари, Вазир ва унинг ўринbosарлари буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

6) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш секторлари билан автомобиль, темир йўл, ҳаво ва дарё транспорти соҳасига тегишли масалалар бўйича ҳамкорлик қилиш;

7) ўз ўринbosарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, ҳудудий бўлинмаларнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, ўз ўринbosарлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан Вазирлик ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун шахсий масъулият даражасини белгилаш;

8) Вазирлик ҳудудий бўлинмалари фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Вазирлик ҳудудий бўлинмалари ва ўз ўринbosарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, улар ижроси ҳолатини назорат қилиб бориш;

9) Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун зарур

шароитларни яратиш, худудий бўлинмаларнинг кадрлар заҳирасини шакллантириш;

10) Вазирлик аппарати номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, худудий бўлинмаларга ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий иш тажрибаси, юқори ишчанлик даражаси ва маънавий-ахлоқий сифатлари кафолатланганлигини таъминлаш;

11) худудий бўлинмалар ходимлари, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиш-қолмаслиги мақсадга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш юзасидан тизимли чораларни амалга ошириш;

12) худудий бўлинмалар ходимлари томонидан ходимнинг одоб-ахлок қоидаларига риоя этилиши таъминланишини назорат қилиш;

13) “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ худудий бўлинмалар тизимида коррупция ва бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукуқни кўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни содир этишга имкон яратувчи омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, сабаб ва шароитларини бартараф этиш;

14) прогноз кўрсаткичлар бажарилишини мунтазам таҳлил қилиб бориш ва қайд этилган кўрсаткичларга худудий бўлинмалар томонидан сўзсиз эришишни таъминлашга йўналтирилган кўшимча чораларни кўриш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирнинг мутасаддилик қиладиган ўринбосарларига киритиш;

15) худудий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини доимий таҳлил қилиб бориш, йигилишларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиб бориш, уларнинг якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

16) худудий бўлинмалар фаолияти масалалари бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга доир, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва улардан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича таклифларни Вазирлик раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритиш;

17) Вазирликнинг туманлар (шахарлар) бўлинмалари ва худудий бўлинмалар таркибига киравчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

18) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулокотни йўлга қўйиш, шахсий қабулларни, шу жумладан, “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳамда Вазирликда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги тегишли хужжатларда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини мунтазам ўтказиш юзасидан самарали ишларни ташкил этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, улар фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вактида ва тўлиқ кўриб чиқиш;

20) худудий бўлинмалар ходимларига мукофот пулларини, лавозим маошига қўшимчалар, моддий ёрдам пулини тўлаш, мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий чора кўриш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

21) давлат сири ва маҳфий ахборотлар тоифасига кирувчи маълумотлар билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш.

## **6-боб. Вазирлик раҳбарларининг жавобгарлиги**

33. Вазир:

- 1) Вазирликка юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;
- 2) Вазирликнинг мазкур Низомнинг 23-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;
- 3) мазкур Низомнинг 29-бандида белгилangan ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан масъулдир.

34. Вазир ўринbosарлари:

- 1) Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида Вазирликка юклangan вазфалар ва функцияларнинг бажарилиши;
- 2) Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган масалалар юзасидан мазкур Низомнинг 23-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;
- 3) мазкур Низомнинг 30-бандида белгилangan ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан масъулдир.

35. Марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари:

- 1) тегишли таркибий бўлинмаларга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;
- 2) Вазирлик марказий аппаратининг мазкур Низом 26-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;
- 3) мазкур Низомнинг 31-бандида белгилangan ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан масъулдир.

36. Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармалари бошлиқлари:

- 1) худудий бўлинмаларга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;
- 2) Вазирлик худудий бўлинмаларининг мазкур Низом 28-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;
- 3) мазкур Низомнинг 32-бандида белгилangan ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан масъулдир.

## 7-боб. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

### 1-§. Вазирлик раҳбарияти

37. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси маъқуллагандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Вазир раҳбарлик қилади.

38. Вазир ўз мақомига қўра, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг аъзоси ҳисобланади.

39. Вазир беш нафар ўринбосарга, шу жумладан битта биринчи ўринбосарга эга.

40. Вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари лавозимга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Вазирнинг биринчи ўринбосари моддий таъминот, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шартлари бўйича вазирга tenglashshiriladi.

41. Вазир бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазирнинг биринчи ўринбосари томонидан, у бўлмаган вақтда эса вазирнинг тегишли буйругига асосан бошқа ўринбосар томонидан амалга оширилади.

42. Куйидагилар:

1) Коракалпогистон Республикаси Транспорт вазири ва унинг ўринбосари Коракалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгеси томонидан Вазир билан келишилган ҳолда;

2) вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан Вазир билан келишилган ҳолда;

3) Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг ректори Вазир тавсиясига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

4) Вазирлик таркибиға кирадиган илмий-тадқиқот ва ўқув муассасалари раҳбарлари Вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Вазирлик марказий аппаратининг бошқа ходимлари белгиланган тартибда Вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри транспорт бошқармалари бошлиқлари ўз мақомига қўра, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарларига tenglashshiriladi.

### 2-§. Вазирлик марказий аппаратининг ўз худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби

43. Вазирлик марказий аппаратининг ўз худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари таъминлайди.

44. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари Вазирликнинг худудий бўлинмалари билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ўзаро ҳамкорликни амалга оширишда:

- 1) топширикларни худудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказади ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиб боради;
- 2) Вазирликнинг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларига бевосита таркибий бўлинмалар фаолияти масалалари бўйича сўров жўнатади ва уларнинг ижросини назорат қилиб боради;
- 3) Вазирлик худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини текширади ва ўрганади, амалиётини умумлаштиради, такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- 4) Вазирлик худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятининг ташкил этилиши ва натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистик ва бошқа маълумотларни ўрганишни ташкил этади;
- 5) Вазирлик худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари иш режаларини таҳдил килади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш бўйича чоралар кўради;
- 6) Вазирлик худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан келган таклифларни кўриб чиқади;
- 7) Вазирлик худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишини ташкил этади, улар томонидан қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан келиб тушган таклифларни кўриб чиқади.

45. Вазирликнинг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

- 1) Вазирлик раҳбарияти топшириқларининг ижроси тўғрисида ахборот беради;
- 2) фаолиятнинг белгиланган соҳасидаги конун хужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида марказий аппаратга маълумот тақдим этади;
- 3) улар фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида ишда аниқланган камчиликлар ва нуқсонларнинг бартараф этилганлиги натижалари ҳакида ахборот беради;
- 4) Вазирлик марказий аппаратига белгиланган тартибда ва муддатда ўз фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим этади;
- 5) комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш секторлари билан ҳамкорлик натижалари ҳакида ахборот беради;
- 6) ваколатли органлар томонидан ўз фаолиятини текширишлар натижалари ҳакида ахборот беради.

46. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва унинг худудий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёни давомида юзага келадиган келишмовчиликлар Вазир топшириғига

биноан унинг тегишли ўринбосари томонидан кўриб чиқилади. Кўриб чиқилгандан сўнг ҳам келишмовчиликлар ҳал бўлмаган тақдирда, улар бўйича қарор бевосита Вазир томонидан қабул қилинади.

### **3-§. Вазирликнинг давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик тартиби**

47. Вазирлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

48. Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколати доирасида давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш секторлари билан тегишли ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича “йўл ҳариталари”ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қиласди.

49. Вазирлик фаолияти Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг таркибий тузилмалари томонидан назорат қилинади.

### **4-§. Вазирликнинг ҳайъати, бошқа кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари**

50. Вазирликда Вазир (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича) ҳамда фаолиятнинг асосий йўналишларида мутасаддилек қиласиган таркибий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари таркибидан иборат ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъат аъзоларининг сони ва шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан Вазир тақдимномаси бўйича тасдиқланади.

51. Ҳайъатга қўйидаги вазифалар юкланади:

1) Вазирликнинг мазкур Низом билан белгиланган асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган вазифалар билан юкланган вазифаларнинг Вазирлик тизимидағи раҳбарлар ва ходимлар томонидан ўз вактида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда, таркибий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли эшитиб бориш;

3) Вазирлик фаолияти соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурларини амалга ошириш ҳолатининг натижадорлигини ҳар чорақда ва тизимли муҳокама қилиб бориш;

4) Вазирлик фаолияти соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасини жойларда таъминлаган ҳолда, ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр йигилишлари ўтказилишини ташкил этиш ҳамда юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

5) Вазирликнинг марказий аппарати номенклатурасига ва тизимига кирувчи лавозимларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

6) Вазирликнинг марказий аппарати номенклатурасига кирувчи лавозимларга қадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари билан белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш максадида Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат, шунингдек, Вазирлик ваколатига тегишли бошқа масалаларни хам муҳокама этиш хуқуқига эга.

52. Ҳайъат йигилишига Вазирлик ваколатига тегишли масалалар юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви хамда бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва эксперт мутахасислари таклиф этилиши мумкин.

53. Ҳайъат, агар унинг йигилишида аъзоларнинг ярмидан кўпли иштирок этган тақдирда, ҳақиқий деб ҳисобланади. Муҳокама этилаётган масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

54. Ҳайъат қарорлари Вазир бўйруги билан тасдиқланади.

55. Вазир ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасига юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Вазир ахборот беради ва мустакил қарор қабул қиласади. Шунингдек, ҳайъат аъзолари хам Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрларини маълум килишлари мумкин.

56. Ҳайъат фаолияти тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

#### **8-боб. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторлари**

57. Вазирлик фаолияти мунтазам баҳолаб борилади.

58. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторларига асосланади.

59. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

1) Вазирлик раҳбарлари ва ходимларини рагбатлантириш (мукофотлаш) ёки уларга нисбатан интизомий жазо чоралари;

2) Вазирлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

60. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услуби Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**9-боб. Вазирлик фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш**

61. Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб давлат бошқаруви органларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари. Вазирлик хузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

62. Вазирлик ходимларининг иш ҳаки лавозим маоши, рағбатлантиришлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва бошка тўловлардан иборат.

Вазирлик, унинг ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг лавозим маоши Ягона тариф сеткасининг тасдиқланган разрядлари бўйича белгиланади.

Вазирлик Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг лавозим маошиларига, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган маблағлар миқдори билан Вазирлик ва унинг таркибий бўлинмалари таъминоти учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдори ўртасида юзага келадиган тафовут ҳисобига 2 баробаргача ўсиб борувчи коэффициентни қўллашга ҳақли.

Вазирлик марказий аппарати ва идоравий мансуб ташкилотлари (давлат бошқаруви органлари) ходимларига Давлат бюджети ҳисобидан кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда куйидаги ҳажмларда ҳар ойда қўшимча пул тўланади: 2 йилдан 5 йилгacha – 0,1; 5 йилдан 10 йилгacha – 0,2; 10 йилдан 15 йилгacha – 0,3; 15 йилдан ортиқ – 0,4.

Вазирлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларини қўшимча моддий рағбатлантириш, Вазирлик хузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан иш ҳаки фондига нисбатан 200 фоизгача миқдорда амалга оширилади.

Вазирлик ҳудудий бошқармалари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўгрисида” 2017 йил 9 январдаги ПҚ-2722-сон қарорининг 1-бандида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари тадбик этилади.

63. Бонқарув аппарати ходимлари сонининг қисқартирилиши ва бўш иш ўринларининг мавжудлиги сабабли бўшайдиган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси маблаглари Вазирлик ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади.

64. Вазирлик таркибий тузилмасига кирувчи ташкилотларни моддий-техник таъминлаш, шунингдек, уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш идоравий мансуб ташкилотларнинг хўжалик фаолиятидан тушадиган тушумлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

65. Вазирлик марказий аппарати ходимлари учун автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспорти корхоналари ходимларининг ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳукуқи ва имтиёзлари, шунингдек, хизмат сафарлари давомида доимий равишда, таътил даврида – бир йилда бир марта автомобиль, темир йўл, ҳаво транспортидан имтиёзли фойдаланиш тадбиқ этилади.

66. Вазирлик ходимлар меҳнатини кўллаб-қувватлаш, улар ҳаётининг ижтимоий шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирлик ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Вазирлик томонидан белгиланган тартиб асосида турар-жой ва республикамизда ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситаларини ҳарид қилиш учун кредитларни расмийлаштиришда дастлабки тўловни амалга ошириш учун фоизсиз қарзлар бериш ҳукуқига эга.

Фоизсиз қарзлар Вазирлик ҳайъати қарори асосида Вазирлик ва ходим ўргасида қарз шартномасини тузиш ва қарзни қайтариш жадвалини тасдиқлаш йўли билан берилади. Гуарар-жой ҳарид қилиш учун дастлабки тўловларга кредит тақдим этиш мuddати 10 йилни, автотранспорт воситалари ҳариди учун 5 йилини ташкил этиади.

Қарз учинчи шахс кафилиги асосида тақдим этилади, кафиллик шартномасининг нотариал тасдиқтаниши талаб этилмайди. Қарз тасдиқланган жадвал асосида тўланмаган тақдирда, тўлов микдори қарз шартномаси шартларига мувофиқ белгиланган тартибда ундирилади.

Ходимнинг Вазирлик тизимидағи меҳнат фаолияти тўхтатилган тақдирда, қарзниң тўланмаган микдори бир ой муддатда Вазирликка қайтарилиши шарт.

67. Вазирлик ходимларига иш ҳақини ва рағбатлантиришларни тўлаш шартлари Вазирлик, унинг ҳудудий ҳамда идоравий мансуб бўлинмалари ходимларига иш ҳаки ва қўшимча рағбатлантиришни тўлаш тартиби билан белгиланади.

## **10-боб. Вазирлик ҳисобдорлиги**

68. Вазирлик раҳбарлари ўз фаолиятлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий тузилмалари ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

69. Вазирлар Маҳкамаси раҳбаријати Вазирлик раҳбарларининг фаолиятини юклangan вазифаларнинг улар томонидан самарали бажарилиши бўйича доимий мониторинг олиб боради, Вазирлик фаолияти самарадорлигини ҳолисона баҳолайди.

70. Мониторинг ва баҳолаш натижаларига кўра, Вазирликнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш чоралари кўрилади, жиддий камчиликларга йўл кўйган ходимларга нисбатан эса жавобгарлик чоралари, эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача жазо кўлланилади.

## **11-боб. Яқунловчи қоида**

71. Вазирлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.